



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 17 » sentabr

№ 585

Toshkent sh.

### **Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтоҷ қизлар ва боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тӯғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида” 2021 йил 5 мартағи ПҚ-5020-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг таълим олишга бўлган қизиқишиларини рағбатлантириш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, билим олишлари учун имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида” 2021 йил 5 мартағи ПҚ-5020-сон қарорига мувофиқ:

а) 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтоҷ қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларни (кейинги ўринларда – талабгорлар) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилганлиги;

б) бунда, ўқиши учун тўлов пуллари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан хар йили **100 нафардан** хотин-қизлар учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан;

молиявий барқарор давлат олий таълим муассасалари томонидан уларнинг кенгашлари қарорига асосан **50 нафаргача** хотин-қизлар учун давлат олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган мухтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби** тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари томонидан базавий тўлов-контракт микдорини тўлаб бериш мақсадида талабгорларни танлаб олиш мезонлари;

талабгорларни танлаб олиш шартлари ва шу мақсадда маҳаллий ҳокимликлар хузурида ташкил этилаётган комиссиялар фаолияти;

маҳаллий ҳокимликлар томонидан олий таълим муассасаларига танланган **100 нафар** талабгорларга тўлов-контракт микдорини тўлаб бериш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси **Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари** талабгорларни танлаб олиш натижаларини белгиланган муддатларда “Aziz-ayol.uz” Ягона интерактив миллий платформаси орқали эълон қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси **Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги** манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси **олий ва ўрта маҳсус таълим вазири А.Х. Тошкулов** ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “17” сентябрдаги 585 -сон қарорига  
илова

**Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган мухтож қизлар, боқувчиси  
йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан  
қўллаб-қувватлаш тартиби тӯғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган мухтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар (кейинги ўринларда – талабгорлар) олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида базавий тўлов-контракт микдори тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда – ҳокимликлар) ҳамда давлат олий таълим муассасалари томонидан тўлаб берилиши тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом қоидалари 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ҳар ўқув йилида тасдиқланган қабул параметрлари доирасида базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасаси бакалавриатига (кундузги, сиртқи, кечки таълим шаклидан қатъи назар) талабаликка тавсия этилган ҳамда 2–4-курсларда таҳсил олаётган талабгорларга нисбатан қўлланилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили ўзларининг худудларидан ўқишига кирган 25 нафардан ҳамда 2–4-курсларда таҳсил олаётган 75 нафар (ҳар бир курсдан – 25 нафардан), жами 100 нафар хотин-қизлар учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий тўлов-контракт суммасини тўрт ўқув йилининг якунланишига қадар тўлаб беради.

Молиявий барқарор (бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари бўйича бирламчи харажатлар қоплагандан сўнг қолдиқ маблағларга эга) давлат олий таълим муассасалари томонидан уларнинг кенгашлари қарорига мувофиқ 50 нафаргача хотин-қизлар биринчи ўқув йилида бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бепул ўқитиб берилади.

Бунда талабгорларнинг иккинчи ва ундан кейинги ўқув йиллари учун ўз худудларидағи тижорат банклари томонидан таълим кредитлари расмийлаштирилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўз худудларидағи талабгорлар учун учинчи шахс кафиллигини беради ҳамда ўқиши тамомлагандан сўнг уларни иш жойи билан таъминлайди.

#### 4. Ушбу Низом қоидалари:

иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олиш учун танловда иштирок этган талабгорларга;

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган хорижий олий таълим муассасалари ёки уларнинг филиаллари, нодавлат таълим хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### **2-боб. Талабгорларни аниқлаш мезонлари ва шартлари**

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни ҳамда давлат олий таълим муассасалари томонидан базавий тўлов-контракт миқдорини тўлаб бериши мақсадида талабгорларни танлаб олиш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

а) тўлиқсиз оиласда тарбияланаётган, яъни отаси ёки онаси ёхуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган муҳтоҷ қизлар;

б) бокувчиси йўқ эҳтиёжманд ёлғиз аёллар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилган тест синови (касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра давлат олий таълим муассасаларига базавий тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва 2 – 4 - курсларда таҳсил олаётган мазкур Низомнинг 5-бандидаги мезонларга мос келувчи хотин-қизлар тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ижтимоий ҳолати тўғрисидаги маълумотномани (хужжатни) ҳар йили 10 календарь кун ичida олий таълим муассасаси қабул комиссиясига тақдим этади.

7. Талабгорлар олий таълим муассасаси қабул комиссиясига ижтимоий ҳолати тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан берилган қуйидаги маълумотномаларни тақдим этади:

талабгорнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;

ота-онаси ёки уларнинг бири вафот этганлиги тўғрисида ўлим гувоҳномаси нусхаси (мазкур Низом 5-бандининг “а” кичик бандидаги ҳолатда);

ёлғиз она эканлигини тасдиқловчи маълумотнома (мазкур Низом 5-бандининг “б” кичик бандидаги ҳолатда).

8. Ҳар битта давлат олий таълим муассасаси белгиланган мезонлар асосида талабгорлар рўйхатини шакллантириб, уларнинг доимий яшаш жойи бўйича ҳокимликларга ёзма равишда маълумотларни юборади.

Бунда мазкур Низомнинг 5-бандида келтирилган мезонлардан бири асосида давлат олий таълим муассасасига ўқишга тавсия этилган ва таҳсил олаётган талабгорлар рўйхати таҳлил қилиниб 5 календарь кун мобайнида тегишлилиги бўйича ҳокимликларга бакалавриат таълим йўналишлари ва ўкув йили учун тўлов-контракт миқдорлари аниқ кўрсатилган ҳолда давлат олий таълим муассасалари томонидан тақдим этилади.

9. Ҳокимликлар доимий яшаш жойи бўйича барча давлат олий таълим муассасалари томонидан тақдим этилган талабгорлар рўйхати белгиланган тартибда мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ таркибда тузилган Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг олий таълим олишларини моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан кўриб чиқилиб, тегишли баённома расмийлаштирилади.

10. Комиссия 15 календарь кунда (лекин ҳар ўкув йилида 15 сентябрдан кеч бўлмаган муддатда) базавий тўлов-контракт суммалари тўлаб берилиши белгиланган талабгорлар рўйхатини ҳамда шартномани имзолаш бўйича хulosаларни тегишлилиги бўйича давлат олий таълим муассасаларига ёзма равишда киритади ва белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштиради.

Бунда Комиссия аъзолари томонидан талабгорлардан 100 нафарини танлаб олишда биринчи навбатда уларнинг ижтимоий ҳолати, эҳтиёжмандлиги, тўплаган баллари, худудлардаги таълим йўналишлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда таҳсил олаётган босқичлари инобатга олинади.

11. Давлат олий таълим муассасалари молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, ҳокимликлар томонидан кўриб чиқилиб, тавсия этилмаган талабгорлар орасидан ўзларининг кенгашлари қарори билан танлаб олинган 50 нафаргача бўлган хотин-қизларни биринчи ўкув йилида бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан бепул ўқитишни таъминлайди. Бунда биринчи навбатда тўлиқсиз оиласда тарбияланаётган, яъни отаси ёки онаси ёхуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган муҳтож хотин-қизларга эътибор қаратилади.

12. Талабгорларни танлаб олиш ва уларни моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш мазкур Низомга 2-иловада келтирилган схема асосида амалга оширилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари томонидан танлаб олинган талабгорлар жорий ўкув йили давомида олий таълим муассасасини ёки таълим йўналишини ўзгартирса ёхуд талабалар сафидан четлаштирилса мазкур имтиёздан маҳрум бўладилар.

14. Давлат олий таълим муассасалари:

2022/2023 ўкув йилидан бошлаб ҳар йили 1 сентябрга қадар иккинчи ва ундан кейинги ўкув йиллари учун таълим кредити олиши зарур бўлган талабгорлар рўйхатини;

2024/2025 ўкув йилидан бошлаб ҳар йили 1 августга қадар ўқиши тамомлаган ва иш жойи билан таъминлаш лозим бўлган талабгорлар рўйхатини доимий яшаш худуди бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ёзма равишда тақдим этади.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

15. Ҳокимликлар танлаб олинган талабгорларнинг ўқиши учун зарур маблағларнинг белгиланган тўлов-контракт миқдорининг камида 25 фоизини хар йили 15 сентябргача ёки Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларгача, 50 фоизини – 1 январгача, 75 фоизини – 1 апрелгача ва 100 фоизини – 1 июлгача улар талабаликка тавсия этилган давлат олий таълим муассасаларининг тегишли шахсий ғазна ҳисобваракларига ўтказиб беради.

16. Ушбу Низомни кўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

17. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган  
муҳтож қизлар, бокувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий  
таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-  
кувватлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, бокувчиси  
йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан  
қўллаб-кувватлаш комиссиясининг намунавий  
ТАРКИБИ**

1. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, *Комиссия раиси*
2. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари
3. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бошқармаси бошлиғи
4. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридаги олий таълим муассасаси ректори
5. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи
6. *Келишувга асосан* – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутати
7. *Келишувга асосан* – фуқаролик жамияти институти (нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партия ва ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, касаба уюшмалари ва бошқалар) вакили

8. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бош юристконсульт
9. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг хотин-қизлар бўйича маслаҳатчиси – маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, *Комиссия котиби*

Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган мухтож  
қизлар, бокувчиси йўқ ёлғиз аёллар олишини  
моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган мухтож қизлар, бокувчиси йўқ ёлғиз аёллар  
олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Амалга ошириш механизми	Субъект	Бажариш муддати
1 – босқич	Олий таълим муассасаларига қабул параметрлари доирасида бюджет ва тўлов-контракт асосида ўтиш балларини эълон қилиш.	Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси, Давлат тест маркази	Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган кундан бошлаб
2 – босқич	Белгиланган мезонларга мос келувчи хотин-қизлар томонидан олий таълим муассасалари қабул комиссиясига моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан мурожаат қилиш.	Давлат олий таълим муассасалари	Тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 10 календарь кун давомида
3 – босқич	Базавий тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва 2 – 4 - босқичларда таҳсил олаётган, белгиланган мезонларга мос талабгорлар рўйхатини шакллантириш, умумлаштириш, тегишлилигига қараб доимий яшаш жойи бўйича ҳокимликларга тақсимлаш ва ёзма равища юбориш.	Давлат олий таълим муассасалари	5 календарь кун мобайнида
4 – босқич	Олий таълим муассасаларидан тушган мурожаатларни умумлаштириш, Комиссия томонидан кўриб чиқиш, танлаб олинган 100 нафар талабгорлар рўйхатини шакллантириш, олий таълим муассасаларига Комиссия хulosаси юзасидан жавоб хатларини юбориш, олий таълим муассасалари билан тўловлар юзасидан шартномаларни расмийлаштириш.	Комиссия ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат олий таълим муассасалари	ҳар йили 15 сентябрга қадар

5 – босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан кўриб чиқилиб тавсия этилмаган талабгорлар орасидан олий таълим муассасалари Кенгашлари қарори билан 50 нафаргача бўлган хотин-қизларни танлаб олиш.	Молиявий баркарор давлат олий таълим муассасалари кенгашлари	Барча жавоб хатлари олингандан сўнг 5 календарь куни давомида
6 – босқич	Танловдан ўта олмаган талабгорларга мурожаатлари натижаси юзасидан хабар бериш.	Давлат олий таълим муассасалари	1 календарь кун давомида
7 – босқич	Талабгорларга иккинчи ва ундан кейинги ўкув йилларида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўз худудларидаги тижорат банклари томонидан бериладиган таълим кредитларини расмийлаштириш учун учинчи шахс сифатида кафиллик бериш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тижорат банклари, давлат олий таълим муассасалари	2022/2023 ўкув йилидан бошлаб ҳар йили 1 сентябрга қадар
8 – босқич	Талабгорлар ўқишни тамомлагандан сўнг уларни иш жойи билан таъминлаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат олий таълим муассасалари	2024/2025 ўкув йилидан бошлаб ҳар йили 1 августга қадар

